

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

22-сон
(1042)
2022 йил
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

194. «Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 31 майдаги ЎРҚ–772-сон Қонуни

195. «Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 31 майдаги ЎРҚ–773-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

196. «Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги ПФ-145-сон Фармони

197. «Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги ПҚ-264-сон қарори

Тўртинчи бўлим

198. «Фуқаро М. Хасанованинг шикояти бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 197 ва 206-моддаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 11 ва 27-моддаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2022 йил 31 майдаги 3-сон қарори

Бешинчи бўлим

199. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2022 йил 17 майдаги 2-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-3*)
200. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 26 майдаги 4-мх-сон «Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва спорт ҳаками касбларига қўйиладиган малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2592-3*)
201. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 3 июндаги 14-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари битирувчиларига «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи давлат олий таълим ташкилотлари бакалавриятига ўқишга кириш учун йўлланмалар бериш юзасидан танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3370*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

194 Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2022 йил 15 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда) **48-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокуратура органлари ходимлари хизмат қуролини ва шахсий химоя воситаларини қонунчиликда белгиланган тартибда сақлаш, олиб юриш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 1 июнда эълон қилинган.

153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **246-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «қурол ёки ўқ-дориларни» деган сўзлар «қуролни, ўқ-дориларни ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **247-модданинг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«247-модда. Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш

Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаш»;

3) **248-модданинг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«248-модда. Ўқотар қуролнинг, ўқ-дориларнинг, ўқотар қурол асосий қисмларининг, портловчи моддаларнинг, портлатиш воситаларининг ёки портлатиш қурилмаларининг қонунга хилоф муомаласи

Тегишли лицензияларсиз ёки рухсатномаларсиз ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини ишлаб чиқариш, таъмир-

лаш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш»;

4) **249-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«249-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш

Ўқотар қуролни ва унинг ўқ-дориларини, шунингдек пневматик қуролни, тигли совуқ қуролни (ов пичоқларини, ов ханжарчалари ва ханжарларни, рапиралар, шпагалар ва қиличларни), улоқтириш қуролини (камонлар, арбалетлар ва найзаларни), сигнал берувчи қуролни сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш одамнинг ўлимига ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8,

310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **26-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Ўқотар ов қуролини, пневматик ов қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Ўқотар ов қуролини, пневматик ов қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **90-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

учинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади»;

тўртинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — қирқ бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади»;

4) **185-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«185-модда. Қуrolдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш

Пневматик, улоқтириш, сигнал берувчи қуrolдан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш, шунингдек тиғли совуқ қуrolдан (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлардан, рапиралар, шпагалар ва қиличлардан) белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш —

қуrolни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўқотар қуrolдан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш —

қуrolни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **220-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«220-модда. Қуrolнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши қоидаларини бузиш

Ички ишлар органларининг тегишли рухсатномасига эга бўлган жисмоний шахсларнинг фуқаровий, мукофот тарзида берилган, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш учун мўлжалланган қуrolни ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш қоидаларини бузиши —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ҳақини тўлаб шу қуrolни ва ўқ-дориларни олиб қўйишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

қуrolни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хизмат қуrolини ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини хизмат қуrolидан ва унинг ўқ-дориларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органларининг мансабдор шахслари ҳамда махсус хизмат вазифаларига эга бўлган юридик шахсларнинг ходимлари томонидан бузиш, худди шунингдек қуrolни ва унинг ўқ-дориларини, ўқотар қуrolнинг асосий қисмларини олиш, бериш, ҳисобга олиш, реализация қилиш, ташиш, сақлаш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш қоидаларини ички ишлар органларининг тегишли рухсатномаларига эга бўлган юридик шахсларнинг қуrol ва унинг ўқ-дорилари, ўқотар қуrolнинг асосий қисмлари бут сақланишини, уларнинг белгиланган тартибда берилиши-қабул қилиб олинишини ҳамда ҳисобга олинишини таъминлашга доир мажбуриятлар ўз зиммасига юклатилган масъул ходимлари томонидан бузиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъ-

мурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қуролни ва унинг ўқ-дориларини, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини қабул қилиш, ҳисобга олиш ҳамда сотиш қоидаларини фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилишга доир лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан бузиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ички ишлар органларининг тегишли рухсатномалари расмийлаштирилган фуқаровий ва хизмат қуролига товущсиз ўқ узиш мосламаларини ҳамда тунда кўриш мўлжаллагичларини (бундан ов қилиш учун мўлжаллагичлар мустасно) ўрнатиш —

товущсиз ўқ узиш мосламаларини ва тунда кўриш мўлжаллагичларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

6) қуйидаги мазмундаги **220¹-модда** билан тўлдирилсин:

«220¹-модда. Қуролнинг қонунга хилоф муомаласи

Пневматик, сигнал берувчи, улоқтириш қуролини, ўзини ўзи химоя қилиш қуролини ички ишлар органларининг тегишли рухсатномаларисиз реализация қилиш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, улардан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш —

қуролни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Пневматик, сигнал берувчи, тигли совук, улоқтириш қуролини, ўзини ўзи химоя қилиш қуролини ички ишлар органларининг тегишли лицензияларисиз ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш —

қуролни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

7) **221-модданинг номи** ва **диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«221-модда. Қуролни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қоидаларини ёки унинг муомаласи соҳасидаги рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларини бузиш

Фуқаровий, хизмат қуролини, мукофот тарзида берилган, коллекция-

лаш, кўргазмага қўйиш учун мўлжалланган қуролни ва унинг ўқ-дориларини ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қоидаларини, шунингдек ички ишлар органларининг қуролни сақлашга ва олиб юришга, сақлашга, коллекциялашга ёки кўргазмага қўйишга доир рухсатномаларининг амал қилиш муддатларини узайтириш қоидаларини бузиш»;

8) **222-модда** чиқариб ташлансин;

9) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «219¹-моддаларида, 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 222-моддасида» деган сўзлар «219¹, 220, 220¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **248-модда:**

биринчи қисмидаги «205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «205» рақами билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг 1-бандидаги «205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «205» рақами билан алмаштирилсин;

11) **290-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 185, 220, 220¹ ва 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, ички ишлар органлари ходимлари иш кўриб чиқилгунига қадар қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда олиб қўйилаётган қуролнинг маркаси ёки модели, калибри, туркуми ва рақами, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда баённомага ёзиб қўйилади»;

12) **311-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хизмат қуролидан ва унинг ўқ-дориларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига ҳамда махсус хизмат вазибаларига эга бўлган юридик шахсларнинг ходимларига нисбатан ушбу Кодекснинг 185-моддасида, 220-моддаси учинчи, тўртинчи ва олтинчи қисмларида, 221-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорнинг кўчирма нусхаси тегишли давлат органига ёки юридик шахсга маълумот учун, ички ишлар органига эса ушбу шахснинг қуролдан фойдаланишини тақиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун юборилади»;

13) **336-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўқотар қуролларни ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Қуролни ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида**»ги 419–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 490-модда; 2008 йил, № 12,

640-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **25-модда-сининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўловчиларнинг тез ёнувчан, портловчи, захарли, радиоактив моддалар ва ашёларни, шунингдек қуролни ҳамда совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни очиқ (филофсиз) ҳолда олиб юриши тақиқланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги 545–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–408-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 7, 447-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **32-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «овчилик қуроли» деган сўзлар «ов қуроли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **33-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахсларга спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш учун рухсатнома овчилик гувоҳномаси, ўқотар ов қуролини ёки пневматик ов қуролини (агар ундан фойдаланиш мўлжалланса) сақлаш ва олиб юриш учун рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда берилади»;

олтинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «овчилик қуроли» деган сўзлар «ов қуроли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–371-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589, 591-моддалар, № 10, 674-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 1, 5-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «ўқотар қуролни» деган сўзлар «фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12²-модда биринчи қисмининг:**

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда;

2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг ўн биринчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаровий ва хизмат қуролининг ҳамда унинг ўқ-дориларининг, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасини назорат қилиш»;

2) **16-модда биринчи қисмининг:**

йигирма иккинчи хатбошисидаги «ўқотар қурол ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма еттинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«профилактика тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш мақсадида жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахсларнинг, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг, қидирув эълон қилинганларнинг, бедарак йўқолганларнинг, фуқаровий ва хизмат қуролига эга бўлганларнинг ҳисобини юритиши, ушбу маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириши ҳамда профилактика тадбирларини ўтказиши»;

қирқ саккизинчи хатбошисидаги «гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари, алюмин кукунлари ва қурумларининг» деган сўзлар «гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар, алюминий кукунлари ва қурумларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **17-модда биринчи қисмининг:**

учинчи хатбошисидаги «гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари» деган сўзлар «гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўттиз бешинчи, ўттиз олтинчи ва ўттиз еттинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаровий ва хизмат қуроли, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, алюминий кукунлари ва қурумлари муомалада бўладиган соҳада фаолиятни амалга ошираётган объектларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, омборхона ва ёрдамчи биноларига мазкур соҳада қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш юзасидан ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат гувоҳномасини ҳамда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномани кўрсатган ҳолда тўсқинликсиз кириш»;

лицензия ва рухсат этиш талаблари ҳамда шартлари бузилганлиги фуқаровий ва хизмат қуролининг, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжал-

ланган портловчи материалларнинг, пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, уларнинг аналогларининг, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг, алюминий кукунлари ва курумларининг йўқолиши ёки талон-торож қилиниши хавфини юзага келтирган ҳолларда, уларни олиб қўйишни амалга ошириш, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни, алюминий кукунлари ҳамда курумларини тегишли ихтисослаштирилган ташкилотларга, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини эса ички ишлар органларига зудлик билан олиб боришни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни талаб қилиш;

ташкilotларда ҳамда фуқароларда лицензияларсиз ва рухсатномаларсиз турган фуқаровий ва хизмат қуролини, унинг ўқ-дориларини, портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни, алюминий кукунлари ва курумларини белгиланган тартибда олиб қўйишни, ташишни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиш чораларини кўриш».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган «Қурол тўғрисида»ги ЎРҚ–550-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 388-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 6-модданинг иккинчи қисми:

1-бандининг бешинчи хатбошисидаги «оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2-бандининг олтинчи хатбошисидаги «оғиз қисмидаги қувват 3 жоулдан юқори бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 8-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳарбий тузилмалари (бундан буён матнда махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар деб юритилди) қуроллантирилган ёки қуроллантиришга мўлжалланган, жанговар ҳаракатларни олиб бориш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш учун мўлжалланган қурол жанговар қурол жумласига кирadi»;

3) 9-модданинг:

2-банди:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пневматик калта стволли қурол, шунингдек ташқи томондан автоматик қурол нусхаларига (репликаларига) ўхшаш пневматик қуролнинг (бундан ушбу қуролни спорт объектларида сақлаш ва ундан фойдаланиш мустасно);

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«махсус таъмирлаш ишларини амалга оширмасдан туриб ўқ узиш имкониятини истисно этадиган ўқув қуролининг ва вазн-ўлчамли қуролнинг;

нур-товушли таъсирга эга патрон билан ўқ узишни имитация қилиш учун мўлжалланган, махсус таъмирлаш ишларини амалга оширмасдан туриб бошқа турдаги патронлар билан ўқ узиш имкониятини истисно этадиган пахтавон қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг»;

бешинчи — саккизинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи банд** билан тўлдирилсин:

«12) фуқаровий қурол ва унинг ўқ-дориларини ҳадиа этиш»;

4) 10-модданинг:

тўртинчи хатбошисидаги «қурол» деган сўз «қуролни ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошиси «қуролни» деган сўздан кейин «ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 11-модданинг:

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг (бундан буён матнда Миллий гвардия органлари деб юритилади)» деган сўзлар «ички ишлар органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ҳамда калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми биринчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «ҳамда оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик қуролнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) 12-модда:

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахснинг қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини, берилиши-қабул қилиб олинишини ҳамда ҳисобга олинишини таъминлаш мажбурияти ўз зиммасига юклатилган ёхуд хизмат қуролини олиб юриш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ходимининг доимий яшаш жойи мавжуд эмаслиги, ходимда ушбу Қонун 13-моддаси ўнинчи қисмининг иккинчи, учинчи, бешинчи — саккизинчи, ўнинчи — ўн учинчи хатбошиларида назарда тутилган қуролга эгалик қилиш учун монелик қиладиган асослар юзага келганлиги, шунингдек ушбу Қонуннинг 1-иловасида кўрсатилган хизмат қуролига эгалик қилишга монелик қиладиган касалликларнинг ёки жисмоний нуқсонларнинг мавжудлиги»;

бешинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махсус хизмат вазибаларига эга бўлган юридик шахснинг ходимига қурол ва унинг ўқ-дорилари мазкур ходим тасдиқланган дастурларга мувофиқ ҳар йилги хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-психологик ҳамда жисмоний тайёргарлик курсларидан ўтганидан сўнг ва ушбу Қонун 13-моддасининг ўнинчи қисмида белгиланган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, юридик шахс раҳбарининг қарорига ҳамда ички ишлар органларининг қуролни олиб юришга доир рухсатномасига биноан берилади»;

7) 13-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг йигирма беш ёшга тўлган фуқаролари фуқаровий ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари фуқаровий спорт қуролини ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини олиш ҳуқуқига эга.

Ов қуроли ва унинг ўқ-дорилари Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ҳуқуқи берилган фуқаролари томонидан олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси олган, унинг эгалигида турган сойли стволли ўқотар ов қуролининг умумий сони учтадан, пневматик ов қуролининг умумий сони учтадан, силлиқ стволли ўқотар қуролнинг умумий сони бештадан ошмаслиги керак, бундан мазкур қурол турлари коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш объектлари бўлган ҳоллар мустасно.

Биттадан ортиқ ҳар бир сойли стволли ўқотар ов қуролига, пневматик ов қуролига ва силлиқ стволли ўқотар ов қуролига эгалик қилганлик учун ҳар йили базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади, бундан мазкур қурол турлари коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш объектлари бўлган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ҳуқуқи берилган фуқаролари овчиликка боғлиқ касбий фаолият билан шуғулланаётган ёки камида ўн йил давомида мулкида автоматик бўлмаган (бир зарядловчи) силлиқ стволли

ўқотар ов қуролига эга бўлган бўлса ҳамда уларда ов қилиш қоидаларини ёки қурол муомаласини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлмаса, сойли стволли ўқотар ов қуролини, шу жумладан аралаш ўқотар қуролни ёхуд ярим автомат силлиқ стволли ўқотар ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини, ўқдон (барабан) сиғими тўрт дона патрондан ортиқ бўлган силлиқ стволли ўқотар ов қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтмиш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатномани олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

аризани;

қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқиш бўйича махсус қисқа муддатли курсларда ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани;

аризани кўриб чиққанлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномасини (ов қуролини олиш учун);

овчилар жамоат бирлашмасининг тавсияномасини (сойли стволли ўқотар ов қуролини, ярим автомат силлиқ стволли ўқотар ов қуролини ёки ўқдон (барабан) сиғими тўрт дона патрондан ортиқ бўлган силлиқ стволли ўқотар ов қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтмиш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш учун);

отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан берилган спортчи гувоҳномасини (спорт қуролини олиш учун).

Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза ички ишлар органлари томонидан ариза барча зарур ҳужжатлар билан олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, янги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида тегишли ички ишлар органига ўзига тегишли фуқаровий қуролни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқароларига фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома берилмайди:

ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган ёшга тўлмаганларга;

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганларга;

ушбу модданинг еттинчи қисмида санаб ўтилган ҳужжатларни тақдим этмаганларга ёки тақдим этилган ҳужжатларида нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97, 103, 103¹, 104, 105, 110, 112, 118, 119, 130¹, 135, 137, 138, 142-моддаларида, 145-моддасининг учинчи қисмида, 150, 151, 152, 153, 154, 154¹, 155, 155¹, 155², 155³, 156,

157, 158, 159, 160, 161, 164, 165, 166-моддаларида, 169-моддаси иккинчи қисмининг «в» ва «г» бандларида, учинчи қисмининг «а» ва «г» бандларида, тўртинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида, 171-моддаси учинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида, 173-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандларида ва учинчи қисмида, 202-моддаси учинчи қисмининг «а», «г», «д» ва «ж» бандларида, 204-моддасининг иккинчи қисмида, 216, 216¹, 216², 217, 218, 219, 220, 221, 222-моддаларида, 223-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» ва «в» бандларида, 226, 229², 235, 242, 244, 244¹, 244², 244³, 245, 246, 247, 248, 249, 251, 251¹, 252, 254, 255¹, 264-моддаларида, 267-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 270-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 271, 273, 274, 276-моддаларида, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 278-моддасининг иккинчи қисмида, 279-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 280-моддасининг иккинчи қисмида, 281-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 282-моддасида, 283-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 285, 286-моддаларида назарда тутилган қасддан жиноят содир этганлик учун судланганларга судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ёхуд амнистия акти қўлланилганлигидан кейин ўн йил давомида;

қасддан жиноятлар содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаганларга ёки судланганлиги олиб ташланмаганларга, бундан ушбу қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилганлар мустасно;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фуқароларга нисбатан экстремистик фаолиятнинг, шунингдек шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий таҳдид солувчи фаолиятнинг белгилари мавжуд бўлган ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда;

жиноий жазони ўтаётганларга;

доимий яшаш жойига ёки қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини таъминлайдиган сақлаш шароитларига эга бўлмаганларга;

ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилганларга;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 185, 220, 220¹ ва 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилганларга;

жамоат тартибига, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этганлик ёки ов қоидаларини бузганлик, шунингдек баданга енгил шикаст етказганлик ва гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаганлик, олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки жўнатганлик учун бир йил давомида такроран маъмурий жавобгарликка тортилганларга;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этганларга — ҳимоя ордерида қурол олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқни тақиқлаш назарда тутилган ҳолларда (ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида);

ушбу Қонуннинг 2-иловасида кўрсатилган фуқаровий қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар мавжуд бўлганда;

рухий ҳолатнинг бузилишлари ва (ёки) наркологик касалликлар сабабли диспансер ҳисобида турган яқин қариндошлари ва бошқа шахслар ушбу фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшаётганда.

Қуrolдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича махсус қисқа муддатли курсларда ўқитиш тартиби ва махсус курсларда ўқитилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фуқаровий қуrolни олишга доир рухсатнома Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшовчи яқин қариндошларида ва бошқа шахсларда ушбу модда ўнинчи қисмининг учинчи, бешинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам берилмайди.

Фуқаровий қуrolни олишга доир рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда аризачини рад этиш сабабларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини ва аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда, қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Фуқаровий қуrolни ва унинг ўқ-дориларини (бундан ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуrollи мустасно) биринчи марта олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари овчилар жамоат бирлашмасида (ов қуrollи учун) ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларда (спорт қуrollи учун) қуrolдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиши юзасидан текширувдан ўтиши шарт, ушбу бирлашма ва юридик шахслар қуrolдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиш юзасидан тегишли текширувдан ўтказилганлик тўғрисидаги ҳужжатларни беради»;

8) қуйидаги мазмундаги **13¹** ва **13²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«13¹-модда. Қуrolга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширув

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва махсус хизмат вазифаларига эга бўлган юридик шахсларнинг ходимлари ички ишлар органларининг йўлланмалари бўйича қуйидаги тартибда давлат соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт муассасаларида (бундан буён матнда тиббиёт муассасалари деб юритилади) қуrolга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан даврий тиббий текширувлардан ўтиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг биринчи марта қуrol ва унинг ўқ-дориларини олаётган фуқаролари, шунингдек қуrolни сақлашга ва олиб юришга, коллекциялашга ёки кўргазмага қўйишга доир рухсатномаларнинг амал қилиш муддатларини узайтиришда — доимий яшаш жойи бўйича тиббиёт муассасаларида;

юридик шахснинг қуrol ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини, берилиши-қабул қилиб олинишини, ҳисобга олинишини таъминлаш мажбуриятлари ўз зиммасига юклатилган ёхуд хизмат қуrollини олиб юриш

ва ундан фойдаланиш ҳуқуқидан фойдаланадиган ходимлари қуролни сақлашга ва (ёки) олиб юришга доир рухсатномаларни олишда ҳамда уларнинг амал қилиш муддатини узайтиришда — доимий яшаш жойи бўйича тиббиёт муассасаларида ёхуд махсус хизмат вазифаларига эга бўлган юридик шахс ва тиббиёт муассасаси ўртасидаги шартномага мувофиқ белгиланган тиббиёт муассасаларида.

Ички ишлар органларининг тиббий текширувдан ўтишга доир йўлланмасининг амал қилиши муддати у берилган кундан эътиборан ўн кунни ташкил этади.

Тиббий текширув ушбу Қонуннинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида пулли асосда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг қуролни ва унинг ўқ-дориларини биринчи марта олаётган ёки қуролни сақлаш ва олиб юришга, коллекциялашга ёхуд кўргазмага қўйишга доир рухсатномаларнинг амал қилиш муддатларини узайтираётган фуқаросининг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшовчи яқин қариндошлари ҳамда бошқа шахслар доимий яшаш жойи бўйича руҳий касалликлар ва наркология диспансерларида ҳисобда туриши бўйича текширилади.

Давлат соғлиқни сақлаш органларининг тиббий текширувдан ўтказишни амалга оширишга рухсат берилган тиббиёт муассасалари рўйхати, тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифларнинг миқдорлари ва тиббий текширув натижаларига доир хулосанинг шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

13²-модда. Қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтиш тартиби

Тиббий текширув тиббиёт муассасаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг текширувдан ўтаётган фуқаросининг ёки юридик шахс ходимининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (идентификацияловчи ID-картаси, паспорти ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат) кўрсатилган ҳолда, ички ишлар органларининг йўлланмаси асосида ўтказилади.

Тиббий текширув тиббиёт муассасаси томонидан ички ишлар органларининг йўлланмаси тақдим этилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида ўтказилади.

Тиббий текширувни ўтказиш учун тиббиёт муассасаси томонидан махсус тиббий комиссия тузилади. Тиббий комиссия таркиби тиббиёт муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Тиббий комиссия тиббий текширувдан ўтказиш билан боғлиқ маълумотларни қайд этиш учун тиббий текширувдан ўтаётган шахсларнинг амбулатория карталарини юритади.

Амбулатория картасида тиббий текширувни ўтказишда иштирок этаётган барча шифокорлар ва мутахассисларнинг тиббий текширувдан ўтаётган шахс тўғрисидаги тиббий хулосалари кўрсатилиши керак.

Тиббий текширувдан ўтаётган шахсни текшириш унинг доимий яшаш жойи бўйича рухий-асаб касалликлари ва наркология диспансерларида тиббий комиссия томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт муассасаси тиббий комиссиянинг тиббий текширув натижалари бўйича қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисидаги хулосасини электрон шаклда расмийлаштиради ҳамда тиббий текширув ўтказилган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида хулоса йўлланма берган ички ишлар органига ахборотнинг махфийлиги таъминланган ҳолда, почта алоқаси воситалари ёки ахборот тизими орқали юборилади.

Хулоса тиббий комиссия раҳбарининг имзоси ва тиббиёт муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

Тиббий комиссиянинг хулосаси берилган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида амал қилади»;

9) **15-модданинг биринчи қисмидаги** «Миллий гвардиясининг» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **17-модда биринчи қисмининг:**

олтинчи хатбошисидаги «ҳамда оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик қуролнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

11) **18-модданинг:**

номидаги «ва ҳадя этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини мерос қилиб олиш меросхўрда мазкур турдаги қуролни олишга доир рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда, қурол ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказилганидан сўнг амалга оширилади. Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатномани олиш рад этилган тақдирда, фуқаровий қурол фуқаровий ва хизмат қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар орқали реализация қилиниши ёки ички ишлар органларига текин асосда топширилиши керак»;

12) **19-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «ҳадя этишга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **20-моддадаги** «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **21-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **22-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмининг:

учинчи хатбошисидаги «Миллий гвардиясининг» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **23-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **24-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия органларининг» деган сўзлар «ички ишлар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «Ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **27-модда:**

биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «ҳадя қилиш ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ички ишлар органларининг йўлланмаси бўйича қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтиши»;

еттинчи ва **саккизинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **28-модда:**

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ушбу Қонун 13-моддаси ўнинчи қисмининг бешинчи, олтинчи, еттинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошиларида назарда тутилган қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганда»;

тўққизинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми «реализация қилиниши» деган сўзлардан кейин «бунда сотувдан тушган сумма қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг собиқ эгасига олиб қўйилган буюмни реализация қилишга доир харажатлар чегириб ташланган ҳолда берилиши» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **29-модданинг иккинчи қисмидаги** «Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **31-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **32-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **33-модданинг иккинчи қисмидаги** «Миллий гвардиясининг» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **34-модданинг:**

биринчи қисми учинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «Ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «Ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар тегишинча «Ички ишлар» ва «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **35-модданинг:**

биринчи қисми:

саккизинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар тегишинча «Ички ишлар» ва «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар тегишинча «Ички ишлар» ва «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **36-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) **40-модда:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «Ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фуқаровий қуролни сақлаш тартибига риоя этилишини текшириш ички

ишлар органларининг профилактика (катта) инспекторлари томонидан бир йилда камида бир марта амалга оширилиши керак»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

28) **44-моддадаги** «Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) қуйидаги мазмундаги **1** ва **2-иловалар*** билан тўлдирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

11-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 4-банди ва 3-моддасининг 4 — 7-бандлари мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 май,
ЎРҚ–772-сон

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

195 Қўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2022 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-модда-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 1 июнда эълон қилинган.

лар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **159-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«159-модда. Турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини, кўп квартиралли уйларни бошқариш қоидаларини бузиш

Турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, умум фойдаланадиган жойларни санитария ҳолатида сақлаш қоидаларини бузиш, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш (бундан ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар мустасно), кўп квартиралли уйлардаги турар жойларда чорва молларни, худди шунингдек одамларнинг саломатлигига хавф солувчи ҳайвонларни боқиш —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кўп квартиралли уйларни бошқариш қоидаларини бузиш —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Кўп квартиралли уйлардаги таянч ва (ёки) тўсиқ конструкцияларни қонунчиликни ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, шу жумладан кўп квартиралли уйларда ва кўп квартиралли уйларга туташ ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморатлар (иншоотлар) қуриш ишларини амалга ошириш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — қирқ бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни (тўсиқ конструкцияларга оид қисмида) биринчи марта содир этган шахс, агар у кўп квартиралли уйдаги тўсиқ конструкцияларнинг амалга оширилган ўзгартирилишини ёки уларни реконструкция қилиш туфайли йўл қўйилган бузилишларни, кўп квартиралли уйга туташ ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни (иншоотларни), шунингдек уларнинг оқибатларини ихтиёрий равишда бартараф этса, жавобгарликдан озод этилади»;

2) 245-модданинг:

биринчи қисмидаги «158, 159-моддаларида» деган сўзлар «158-моддаларида, 159-моддасининг биринчи қисмида (бундан кўп квартиралари уйлардаги турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, кўп квартиралари уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш ҳоллари мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «99-моддасида (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида), 175-моддасининг биринчи, учинчи ва олтинчи қисмларида ва 283-моддаларида» деган сўзлар «99-моддаларида (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида), 159-моддасининг биринчи қисмида (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартиралари уйлардан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекциясига оид қисмида), 175-моддасининг биринчи, учинчи ва олтинчи қисмларида ва 283-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **266⁵-модда** билан тўлдирилсин:

«266⁵-модда. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартиралари уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартиралари уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекциясига, шунингдек унинг ҳудудий инспекцияларига ушбу Кодекс 159-моддасининг биринчи (кўп квартиралари уйлардаги турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, кўп квартиралари уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузишга оид қисмида), иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартиралари уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тарикасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартиралари уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ва бўлим бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартиралари уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий инспекциялари бошлиқлари».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова;

2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда) куйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **243-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **16¹-банд** билан тўлдирилсин:

«16¹) бошқарувчи ташкилотлар ёки кўп квартирали уйларни бошқарувчилар томонидан умумий мол-мулкни бошқариш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш, шунингдек кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини ободонлаштириш бўйича кўрсатилаётган хизматлар ҳамда бажарилаётган ишлар»;

2) **304-модда** куйидаги мазмундаги **6¹-банд** билан тўлдирилсин:

«6¹) бошқарувчи ташкилотлар ёки кўп квартирали уйларни бошқарувчилар томонидан умумий мол-мулкни бошқариш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш, шунингдек кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини ободонлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлардан ҳамда бажарилган ишлардан олинган маблағлар»;

3) **411-модда учинчи қисмининг 2-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) уй-жой-коммунал хўжалигининг ва белгиланган мақсади бўйича фойдаланиладиган бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги объектлари. Уй-жой-коммунал ҳамда бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги объектлари жумласига шаҳарлар ва шаҳарчаларни санитария жиҳатдан тозалаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш объектлари, ташқи ёритиш, коммунал-маиший эҳтиёжлар учун ва аҳолига водопровод (сув олиш ва тозалаш иншоотлари билан), канализация (тозалаш иншоотлари билан), газ, қозонхоналар ҳамда иссиқлик тақсимланадиган тармоқлар (уларнинг иншоотлари билан), шунингдек уй-жой-коммунал хўжалиги объектларига техник жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш, бошқарувчи ташкилотлар ёки кўп квартирали уйларни бошқарувчилар томонидан умумий мол-мулкни бошқариш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш, кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини ободонлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган бинолар киради»;

4) **426-модда иккинчи қисмининг 12-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«12) кўп квартирали уйлар ва ётоқхоналар эгаллаган ерлар, шунингдек кўп квартирали уйларга туташ ер участкалари, бундан яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари мусатасно».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12,

691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда) куйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **13¹-банд** билан тўлдирилсин:

«13¹) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари — кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар юзасидан»;

2) **9-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **14²-банд** билан тўлдирилсин:

«14²) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари — кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар юзасидан»;

3) **10-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **10⁴-банд** билан тўлдирилсин:

«10⁴) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари — кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиши учун бериладиган аризалар юзасидан».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 май,
ЎРҚ-773-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

196 Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Республика аҳолисининг алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозоридаги ижтимоий аҳамиятга эга товарлар нархлари сунъий ва асоссиз оширилишининг олдини олиш, шунингдек, тариф ва нотариф тартибга солиш воситаларини кенг қўллаш ҳисобига уларнинг инфляция даражасига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 майдан бошлаб 2023 йил 1 январга қадар:

1-иловада** келтирилган товарларни олиб киришда божхона божларининг ноль ставкалари белгиланади;

савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан божхона божининг икки баравар ставкаси қўлланилмайди.

2. Қуйидагиларни 2022 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш (экспорт қилиш) вақтинчалик тақиқлансин:

ўсимлик ёғи, шу жумладан пахта, кунгабоқар ёғи, бундан амалдаги контрактлар (шартномалар) доирасида 2022 йил 1 июнга қадар олдиндан тўловлар амалга оширилган ҳолатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида қайта ишланганлари мустасно;

кунгабоқар уруғлари (ТИФ ТН коди 1206 00) ҳамда бошқа ёғ ўсимликларининг уруғлари ва мевалари (ТИФ ТН коди 1207), бундан қонунчиликда белгиланган ҳолатлар мустасно.

Вазирлар Маҳкамасига мазкур товарларнинг ички бозорда етарли ҳажми мавжуд бўлган тақдирда, ушбу бандда кўрсатилган товарлар экспортини қайта тиклаш ҳуқуқи берилсин.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда зарур ҳолларда озиқ-овқат хавфсизлиги, мамлакат

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 1 июнда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аҳолисининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси ҳамда ички бозорда нарх барқарорлигидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига экспорт қилиш вақтинча чекланаётган айрим турдаги озиқ-овқат товарларининг (шу жумладан уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёнинг) рўйхатини ўзгартириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритиб борсин.

4. Белгилансинки, 2023 йил 1 январга қадар қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 41-сон қароридан назарда тутилган давлат буюртмачилари томонидан давлат харидлари доирасида импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш бўйича чекловлар;

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотларини давлат тилида мажбурий маркировка қилиш тартиби вақтинчалик тўхтатилади.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда:

а) бир ой муддатда Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгашининг тавсиялари асосида ноозиқ-овқат маҳсулотларига божхона божлари ставкаларини пасайтириш;

б) 2022 йил 1 августга қадар мавсумий нарх тебранишлари ва бозорда танқислик юзага келганда умумий давлат захиралари меъёрини сақлаб қолган ҳолда Давлат захираларини бошқариш қўмитасига тегишли омборларнинг бўш турган қувватларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали асосий озиқ-овқат маҳсулотларини қўшимча жамлаш ва очиқ бозорга интервенция қилиш механизмини жорий қилиш;

в) 2022 йил 1 сентябрга қадар халқаро молия институтлари ва илмий ташкилотларнинг экспертларини жалб қилган ҳолда божхона божларининг самарали ставкаларини белгилаш, шунингдек, товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳузуридаги Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

а) асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин тебраниши даврида:

устун мавқени суистеъмом қилиш, келишиб қилинган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар, шунингдек, биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда чиқармаслик ва таклифни қисқартирганлик, манипуляциялар, товар ёки молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш аломатлари аниқланганда охириги календарь йилидаги товарлар (хизматлар)ни сотишдан тушган тушумидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва

юридик шахслар бирлашмаларига ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш. Бунда, тақдимноманинг узрсиз сабабларга кўра бажарилмаслиги монополияга қарши курашиш органининг кўрсатмасини бажармаслик учун белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради;

нархларнинг асосиз ўсиши, келишиб қилинадиган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар ҳолатларини аниқлаш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларини хатловдан ўтказиш;

мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган тартибда ўтказилган хатловда аниқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча ҳажмини савдога чиқариш, асосиз оширилган нархларни пасайтириш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ва кўрсатмалар киритиш.

Бунда, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин тебраниш даври, ушбу маҳсулотларнинг нархи охириги 30 кунгача бўлган даврда Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг ёки ундан юқори даражада ошганда, 6 ойгача бўлган муддатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

б) инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар киритиш;

в) истеъмол товарлари савдосига ихтисослашган савдо комплекслари, тармоқлари ва бозорларда:

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини манипуляция қилиш, асосиз ва сунъий ошириш, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтиришга қаратилган ғайриҳуқуқий ҳаракатларни;

асосий озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизмларига риоя этилишини;

бозорлар ва савдо тармоқларига кириш бўйича сунъий тўсиқлар ва чекловларни аниқлаш (ўрганиш) ва уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси икки ой муддатда мазкур бандда келтирилган қўшимча ваколатларни амалга ошириш бўйича тартибни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратида 12 та штат бирлигидан иборат Истеъмол бозорларида нархларни мониторинг қилиш департаменти ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармаларида жами 42 та штат бирлигидан иборат истеъмол бозорларида нархларни мониторинг қилиш бўлимлари ташкил қилинсин ва уларнинг асосий вазифалари этиб ички бозорда истеъмол товарларининг нархларини, импорт концентрациялашувини, тариф ва нотариф чораларнинг нархларга таъсирини таҳлил қилиш ҳамда савдо фаолиятида рақобатни таъминлаш белгилансин.

Бунда, ушбу штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-89-сон Фармонига асосан адлия органларининг қисқартирилган штат бирликлари ҳисобидан ажратилади.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Молия вазирлигининг куйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Давлат бюджетига ундирилган молиявий жарималар суммасининг 50 фоиз миқдоридagi маблағларни Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига йўналтириш.

Бунда, Молия вазирлиги ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 10-насига қадар Монополияга қарши курашиш қўмитаси сўровномасига асосан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Давлат бюджетига ундирилган молиявий жарималар суммасининг 50 фоиз миқдоридagi маблағларни Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказилади;

б) Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги «Ахборот технологияларини жорий этиш маркази» давлат унитар корхонасини ташкил этиш.

Бунда, «Ахборот технологияларини жорий этиш маркази» давлат унитар корхонаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб унинг асосий фаолиятдан олинган даромадлар, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

9. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига маълумотлари базасидан реал вақт режимида фойдаланиш рухсат этиладиган давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда мазкур Фармонга 2-иловада кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Монополияга қарши курашиш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ш.Ш. Шарахметов ва молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил якуни билан ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 май,
ПФ-145-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

197 Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Қонликўл, Мўйноқ, Нукус, Тахиатош, Тахтақўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай туманларида (кейинги ўринларда — шимолий туманлар) мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш ҳамда қулай агробизнес мухитини яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2027 йил 1 январга қадар шимолий туманларда жойлашган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотишнинг истисно тариқасида қуйидагиларни назарда тутувчи тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

аукцион савдоларида сотилган нархидан қатъи назар барча харидорларга харид тўловларини 7 йил муддатда бўлиб тўлаш имкониятини бериш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 31 майда эълон қилинган.

аукцион савдоларида сотилган давлат қўчмас мулк объектлари бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига мувофиқ тўловлар 3 ой ичида тўлиқ тўланганда шартнома қийматининг 25 фоизига тенг миқдорда чегирмалар бериш;

жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларига ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционда сотиб олиш қийматини 5 йил давомида бўлиб тўлаш имкониятини яратиш;

туман ҳокимликлари балансидаги бўш турган биноларни хусусий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига танлов орқали бериш ва бинони туман ҳокимлиги балансида қолдириш, уч йилдан сўнг хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш пайтида баҳоланган қийматнинг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш ҳисобига беш йил давомида тўлаш шarti билан тақдим этилган биноларни хусусийлаштириш имконини бериш.

2. Шимолий туманларда 2025 йил 1 январга қадар эксперимент тариқасида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштиришга мўлжалланган ер майдонларини инвесторларга «E-AUKSION» электрон савдо платформасида очиқ электрон танлов асосида 30 йилга қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш учун ижарага беришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи тартиби жорий этилсин:

а) ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун тўланадиган тўловнинг энг кўп миқдорини таклиф этган талабгор устуворликка эга бўлиб, қолган мезонлар бўйича балл бериш тартиби қўлланилмайди;

б) очиқ электрон танлов ғолиби ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун тўланадиган тўлов энг кўп миқдорининг 50 фоизини тўлаган даврдан бошлаб, ушбу ер майдонларига ижара ҳуқуқини учинчи шахсга сотиши ва ушбу ҳуқуқни тижорат банкидан кредит олиш учун гаровга қўйиши мумкин;

в) шимолий туманлардан рўйхатдан ўтиб, мазкур ер майдонларида фаолият юритадиган қишлоқ хўжалигига ихтисослашган тадбиркорлик субъектларига (бундан кластерлар мустасно) ушбу фаолиятдан олинадиган даромади бўйича айланмадан олинадиган солиқ, шунингдек, мазкур туманлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва сақлаш мақсадида фойдаланиладиган ер участкалари ва мол-мулки бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади;

г) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги талабномаларига мувофиқ фойдаланишдан чиққан суғориладиган ерларни ўзлаштириш, суғориладиган ерларда ер тузиш, бузилган ерларни рекультивация қилиш юзасидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг автоматлаштирилган ер-ахборот тизимини яратиш ва янгилаб бориш ишларига Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади;

д) қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга киритиш ҳамда заруратга кўра суғориш тик қудуғини бурғилаш

ёки насос станциясини қуриш ва ишга тушириш бўйича харажатларнинг бир қисми Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тузилган инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида бир марта қоплаб берилади.

Молия вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини фойдаланишга киритишда заруратга кўра суғориш тик қудугини бурғилаш ёки насос станциясини қуриш ва ишга тушириш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

е) қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга киритган ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш ҳуқуқи берилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Кадастр агентлиги 2022-2023 йилларда ҳар бир шимолий туман кесимида камида 1 000 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштириладиган ер майдонларини электрон савдога чиқариш учун аниқласин.

Бош прокуратура электрон савдога ҳақиқатдан ҳам фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ хўжалиги ерлари қўйилаётганлиги устидан назорат ўрнатсин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги 2024 йил якунига қадар мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган экспериментни янада такомиллаштириш ва уни Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг алоҳида туманларида татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси туманларида қишлоқ хўжалиги фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштириладиган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш учун инвесторларга «E-AUKSION» электрон савдо платформасида очиқ электрон танлов асосида ижарага бериш тартибини тасдиқласин.

6. Қўйидагилар:

2022 — 2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ер майдонларини 2022 — 2024 йилларда қайта фойдаланишга киритиш кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосарлари Ш.М. Ғаниев, Ж.А. Қўчқоров икки ҳафта муддатда:

* 1-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2022 — 2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритиладиган ер майдонларига 2022 — 2024 йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида 2022 — 2024 йилларда янги мевали боғларни барпо этиш ва мевали боғларни турлар бўйича жойлаштириш кўрсаткичларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида 2022 — 2024 йилларда янги узумзорларни барпо этиш бўйича кўрсаткичларни;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қайта фойдаланишга киритиладиган ер майдонларида 2022 — 2024 йилларда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турлари бўйича етиштириш ва реализация қилишнинг прогноз кўрсаткичларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида чорвачилик, паррандачилик (туячилик, йилкичилик, куркачилик, беданачилик, туяқушчилик) йўналишлари бўйича 2022 — 2024 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар кўрсаткичларини тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, сув танқис бўлган маҳаллалар (овуллар)да Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда сугориш тик қудуқлари қазилади ёки мавжуд каналлардан сув чиқариш учун насос агрегатлари ўрнатилади.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аҳоли томорқаларидан, ижарага берилган ерлардан самарали фойдаланиш, ҳудуд иқлими ва ерларнинг ҳосилдорлигидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини тўғри танлаш, парваришлаш ҳамда маҳсулот етиштириш учун ҳар бир туманга бир нафардан агроном бириктириш ҳамда уларнинг ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлигини таъминлаш тавсия этилсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, туманлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ўзлаштириладиган янги ер участкаларини ижарага бериш учун уларнинг қисқа муддатларда очиқ электрон танловга чиқарилишини таъминласин.

9. «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти қайта фойдаланишга киритилган ва ўзлаштирилган ерларда ҳамда бошқа экин ерларида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан электр тармоқлари ва трансформатор пунктлари қурилишини таъминласин.

10. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси туманларида яшовчи ва тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи жисмоний шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланадиган параметрлар доирасида қуёш фотоэлектрик станцияси, қуёш сув иситиш тизимлари ва шамол электр станцияларини қуришда бутловчи қисмларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи миқдоридан, бироқ 3 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсациялар тақдим этилади.

11. Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари бўйича белгиланган квоталар доирасида Қорақалпоғистон Республикасидаги қишлоқ хўжалиги ва ахборот технологиялари йўналишларидаги олий таълим муассасаларига махсус қўшимча қабул квоталари ажратилишини таъминласин.

Бунда, махсус квота бўйича ўқишга қабул қилинган ёшларнинг олий маълумотга эга бўлганидан сўнг, йўлланма берилган корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда камида 5 йил давомида меҳнат қилиш мажбурияти назарда тутилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан:

шимолий туманларда доимий яшовчи етим, боқувчисини йўқотган ёки ногиронлиги бўлган ҳамда профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 100 фоизигача, аммо базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб бериш;

шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган олий таълим ташкилотларида бакалавриатнинг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олишлари учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари ажратилишида ушбу жамғарманинг кафиллигини бериш;

IELTS имтиҳон тизимидан 6 ва ундан юқори кўрсаткични, TOEFL имтиҳон тизимидан 60 ва ундан юқори кўрсаткични қайд этган шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларнинг ушбу имтиҳонларни топшириш харажатларини АТ «Халқ банки»нинг туман филиаллари орқали тўлиқ қоплаб бериш;

шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларнинг замонавий касб, ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тиллар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича олти ойгача муддатли ўқув курсларида ўқишлари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

шимолий туманларда доимий яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олти ойгача муддатли ўқув курсларида ўқишлари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

шимолий туманларда доимий яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги

олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий босқичларида қатнашиш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача ҳамда халқаро босқичларида қатнашиш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларни таълим, маданият ва санъат, спорт, «IT» ва фанлар бўйича ўқитишга ихтисослашган ўқув марказлари жойлашган биноларнинг уч ой муддатгача бўлган нотурар жой ижара харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш чораларини кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шимолий туманлардаги «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағлари ҳисобидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ва шимолий туманларда доимий яшовчи ёшлар олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриши учун уларнинг нодавлат таълим муассасаларида таълим олиш харажатларини қоплаш чораларини кўрсин.

14. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 30 май,
ПҚ-264-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

198 Фуқаро М. Хасанованинг шикоят бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 197 ва 206-моддаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 11 ва 27-моддаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (кейинги ўринларда — Конституциявий суд) раис М. Абдусаломов, судьялар А. Гафуров, Ф. Каюмов, С. Кошаева, Б. Мирбобоев, Г. Пиржанов ва Қ. Улжаевдан иборат таркибда, катта эксперт К. Хамидованинг котиблигида, тараф — фуқаро М. Хасанова ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи «Grata» адвокатлик фирмаси адвокати Ф. Акрамов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмита раиси ўринбосари Ш. Чўллийев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони раҳбари ўринбосари Б. Раджабов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти бош маслаҳатчиси А. Юлдашев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони етакчи инспектори Т. Турсунбоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлими бошлиғи О. Норбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бош консультанти Ш. Ахатова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси катта прокурори А. Қодировнинг иштирокида, фуқаро М. Хасанованинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда — Фуқаролик кодекси) 197 ва 206-моддаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси (кейинги ўринларда — Уй-жой кодекси) 11 ва 27-моддаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг (кейинги ўринларда — Конституция) 53 ва 54-моддаларига мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят бўйича юритилган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Маърузачи судья С. Кошаеванинг маърузасини, тараф М. Хасанова, адвокат Ф. Акрамов ва кўрсатиб ўтилган давлат идоралари вакилларининг фикрларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб, Конституциявий суд куйидагиларни аниқлади:

Фуқаро М. Хасанова ўзининг 2022 йил 19 апрелдаги Конституциявий судга юборган шикоятида, шунингдек Конституциявий суд мажлисида Фуқаролик кодекси 197 ва 206-моддалари 1 ҳамда Уй-жой кодекси 11 ва

27-моддалари унинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган, Конституцияга мувофиқ эмас ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган ва судда химоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган деб ҳисоблаб, уларнинг Конституциянинг 53 ва 54-моддаларига мувофиқлигини аниқлашни сўраган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 12 февралдаги 225-сон қарори билан «В-В-STROY» МЧЖга Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчасида жойлашган 0,925 га ер участкасини дастлабки захирага олиш ва кўп қаватли уй-жой (бинолар)ни қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун рухсат берилган. Мазкур қарорнинг иловасида бошқа уйлар қаторида Олтинтепа кўчасидаги 249-уй ҳам бузилиши белгиланган.

«В-В-STROY» МЧЖ ва фуқаро М. Хасанова даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2020 йил 30 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар «В-В-STROY» МЧЖнинг жавобгар М. Хасановага нисбатан уни ва у билан бирга яшаб келаётган барча шахсларни Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 249-уй, 5-квартирадан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1 массиви, 8-уй, 2-квартирага кўчириш ҳақидаги даъво талабларини ҳамда М. Хасанованинг жавобгар «В-В-STROY» МЧЖга нисбатан қурилиш ишларини тўхтатиш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш Фуқаролик кодекси 206-моддаси ва Уй-жой кодекси 27-моддаси қўлланилиб рад этилган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 19 ноябрдаги ажримига кўра, Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2020 йил 30 сентябрдаги ҳал қилув қарорининг даъвогар «В-В-STROY» МЧЖнинг даъво талабларини рад этишга оид қисми Фуқаролик кодекси 206-моддаси ва Уй-жой кодекси 27-моддаси қўлланилиб, бекор қилинган ҳамда янги ҳал қилув қарори қабул қилинган. Мазкур қарорда фуқаролар М. Хасанова, Б. Файзуллаев ва О. Файзуллаевни бузилиши лозим бўлган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 249-уй, 5-квартирадан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1 массиви, 8-уй, 2-квартирага кўчириш, шунингдек, фуқаро М. Хасанованинг умумий фойдали майдони 63,62 кв.м. икки хонадан иборат бўлган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1 массиви, 8-уй, 2-квартирага мулк ҳуқуқини белгилаш ҳамда унинг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 249-уй, 5-квартирага бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш белгиланган.

Фуқаро М. Хасанова Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация шикоятни билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 25 январдаги ажримига кўра Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг мазкур ажрими Фуқаролик кодекси 206-моддаси ва Уй-жой кодекси 27-моддаси асосида ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаро М. Хасанова суд томонидан қўлланилган Фуқаролик кодексининг 206-моддаси ва Уй-жой кодексининг 27-моддаси нормалари ҳамда суд томонидан қўлланилмаган, аммо қўлланилган нормалар қоидаларини такрорлайдиган Фуқаролик кодексининг 197-моддаси ва Уй-жой кодексининг 11-моддаси нормаларини Конституциянинг 53 ва 54-моддаларига мувофиқ эмас, деб ҳисобламоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 82-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ «Конституциявий суд Конституцияга мувофиқлиги хусусида шубҳа туғдирган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириб, текширилган ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида ҳам, гарчи Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилган мурожаатда улар тўғрисида сўз юритилмаган бўлса-да, бир вақтнинг ўзида қарор чиқаришга ҳақли».

Конституциянинг 53-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин».

Конституциянинг 54-моддасига мувофиқ «Мулкдор мулкига ўз хошича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт».

Мурожаат муаллифи унинг мулкидан маҳрум этилиши (мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши) ва мулкининг олиб қўйилиши масалаларини тартибга соладиган қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сўраб, Конституциявий судга мурожаат этганлиги ва Конституция 53-моддасининг иккинчи қисми мулкдорнинг ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкинлигини назарда тутганлиги сабабли Конституциявий суд томонидан мазкур масалаларни тартибга соладиган қонун нормалари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-683-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун 55-моддасининг 12-бандига мувофиқ Фуқаролик кодекси бошқа моддалари билан бир қаторда 83-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 166-моддасининг учинчи қисмидаги, 198-моддасининг биринчи қисмидаги, 199-моддасининг биринчи қисмидаги ва 206-моддасининг биринчи қисмидаги тегишли келишиқдаги «қонунлар» деган сўз тегишли келишиқдаги «қонун ҳужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилган.

Фуқаролик кодекси 83-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш ва улар бекор бўлишининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади; 166-моддасининг

учинчи қисмига мувофиқ мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади; 198-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мол-мулкни йўқ қилиш (тугатиш) натижасида мулк ҳуқуқини бекор қилишга қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади; 199-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мол-мулкни мулкдордан олиб қўйишга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мулкка қаратилган тақдирда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибда йўл қўйилади; 206-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга бевосита қаратилмаган қарори муносабати билан, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади..., деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–683-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун 55-моддасининг 2-бандига мувофиқ Фуқаролик кодекси 197-моддасидаги тегишли келишиқдаги «қонун ҳужжатлари» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилган.

Фуқаролик кодексининг 197-моддаси қўйидагича ифодаланган.

«Мулк ҳуқуқи мулкдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади».

Мурожаат муаллифи Конституциявий суддан Уй-жой кодекси 11 ва 27-моддаларининг ҳам Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сўраган. Мазкур моддалардаги кўрилаётган ишга дахлдор бўлган нормалар қўйидагича ифодаланган.

Уй-жой кодексининг 11-моддаси бешинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ хусусий мулк бўлган уйлар, квартиралар олиб қўйилиши, мулкдор эса уйга, квартирага мулк ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Турар жой фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда суднинг қарорига асосан мажбурий тарзда олиб қўйилиши мумкин.

Мазкур Кодекснинг 27-моддасига мувофиқ ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (кварти-

ра), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда эса, ушбу фарқ мулкдор томонидан қайтарилиши талаб этилмайди.

Бузилаётган уйлар ўрнига турар жойни мулк қилиб бериш ва уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ҳамда дов-дарахтлар қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кўрсатилган қонун нормалари таҳлили асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин.

Конституциянинг 53-моддасига асосан «Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин».

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-683-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Фуқаролик кодексининг кўрсатилган моддалар тегишли қисмларига киритилган ўзгартишлар натижасида улар Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисми қоидаларига мувофиқ бўлмай қолган. Мазкур Қонун кучга киргунга қадар Фуқаролик кодекси кўрсатилган моддаларининг тегишли қисмлари Конституцияга мувофиқ бўлган. Чунки уларда мулк ҳуқуқининг қонун асосида бекор қилиниши назарда тутилган эди.

Мазкур Қонун кучга киргунга қадар ҳам Фуқаролик кодекси 197-моддасидаги мулк ҳуқуқи «... мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади» деган қисми Конституцияга мувофиқ бўлмаган.

Мулкдорнинг ўз мулкдан маҳрум этилишининг ҳуқуқий асоси турли қонунларда турлича белгиланган.

Фуқаролик кодекси кўрсатилган моддаларининг тегишли қисмларида бундай ҳуқуқий асос сифатида «қонун ҳужжатлари», мазкур Кодекс 197-моддасида «қонунчилик», Уй-жой кодексининг 11-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмларида ҳамда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг биринчи қисмида «қонун» деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-682-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун 7-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ қонун ҳужжатларини Конституция, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ташкил этади. Мазкур Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «қонунчилиги» деганда қонуности ҳужжатлари ҳам тушунилади.

Мулкдорнинг ўз мулкдан «қонун ҳужжатлари» ёки «қонунчилик»

асосида маҳрум қилиниши Конституциянинг 53-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эмас.

Мурожаат муаллифи Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сўраган Уй-жой кодекси 11-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмлари, 27-моддаси, шунингдек, «Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг биринчи қисми қодаларининг таҳлили уларнинг Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, мулкдор мулк ҳуқуқининг Олий Мажлис палаталари қарорлари ёки қонуности ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилиниши мумкинлигини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–683-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун 55-моддасининг 12-бандидаги Фуқаролик кодексининг 83, 166, 198, 199 ва 206-моддаларига тегишли қисми ҳамда Фуқаролик кодекси 197-моддасидаги мулк ҳуқуқи мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади», деган қисми Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисмига мувофиқлаштирилиши лозим.

Фуқаро М. Хасанова Конституциявий суддан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарорини судлар томонидан қўлланилиши юзасидан ҳам айрим саволларга жавоб беришни сўраган. Унинг бундай саволларига жавоб бериш Конституция ва қонунларга мувофиқ Конституциявий суднинг ваколатига кирмайди.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, Конституция 109-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонун 4-моддаси иккинчи қисми, 69, 72, 82 ва 86-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–683-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун 55-моддасининг 12-бандидаги Фуқаролик кодексининг 83, 166, 198, 199 ва 206-моддаларига тегишли қисми ҳамда Фуқаролик кодекси 197-моддасининг мулк ҳуқуқи «... мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади», деган қисми Конституцияга мувофиқ эмас деб топилсин.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонун 73-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Конституциявий суднинг қарорига кўра Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми ўзининг амал қилишини тугатади. Мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган ҳужжатни қабул қилган давлат органи ўз ҳуж-

жатини Конституциявий суднинг қарори асосида бир ойдан кечиктирмай Конституцияга мувофиқлаштириши керак.

3. Уй-жой кодекси 11-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмлари, 27-моддаси ҳамда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг биринчи қисми Конституцияга мувофиқ деб топилсин.

4. Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетаси, «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами», Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси ва Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

5. Мазкур қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас ва у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

Тошкент ш.,
2022 йил 31 май,
КСҚ-3-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

199 Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2009 йил 6 июлдаги 180-сон буйруғи (рўйхат рақами 1992, 2009 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 32-33-сон, 365-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«миллий паспорт (амалдаги визаси билан) ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома»;

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. САИДОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 май,
2-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

200 «Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва спорт ҳаками касбларига қўйиладиган малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2592-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон «Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2014 йил 26 майдаги 1-сон «Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва спорт ҳаками касбларига қўйиладиган малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2592, 2014 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 23-сон, 280-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 май,
4-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
спортни ривожлантириш вазирининг
2022 йил 26 майдаги 4-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

«Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва спорт ҳаками касбларига қўйиладиган малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**».

2. Иловада:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, спорт тури бўйича спортчи, тренер ва спорт ҳаками касбларига қўйиладиган малака талабларини белгилайди.»;

б) 1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**тренер** — тренерлик фаолияти бўйича малака оширганлик ҳақидаги сертификатга эга бўлган ёки таълим муассасаларининг спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишини битирган (бунда битирувчи тегишли спорт тури бўйича тренер лавозимига ишга қабул қилинганига уч йилдан ошмаган бўлиши лозим), шунингдек, ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини, спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс;»;

в) 9-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

г) 15-банднинг учинчи хатбошисидаги «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳаками тоифалари тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2324, 2012 йил 6 февраль)» деган сўзлар «Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2942, 2017 йил 27 октябрь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

Келишилди:

**Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Марказий Кенгаши раиси**

Х. БАТИРОВ

2022 йил 13 май

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

201 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари битирувчиларига «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи давлат олий таълим ташкилотлари бакалавриятига ўқишга кириш учун йўлланмалар бериш юзасидан танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3370*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари битирувчиларига «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи давлат олий таълим ташкилотлари бакалавриятига ўқишга кириш учун йўлланмалар бериш юзасидан танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 3 июнь,
14-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 3 июндаги
14-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
юридик техникумлари битирувчиларига «юриспруденция»
мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга
оширувчи давлат олий таълим ташкилотлари бакалавриатига
ўқишга кириш учун йўлланмалар бериш юзасидан танлов
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари (бундан буён матнда юридик техникумлар деб юритилади) битирувчиларига «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи давлат олий таълим ташкилотлари (бундан буён матнда олий таълим ташкилотлари деб юритилади) бакалавриатига ўқишга кириш учун йўлланмалар бериш юзасидан танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

йўлланма — юридик техникумлар битирувчиларига олий таълим ташкилотлари бакалавриатига тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш учун ўтказиладиган яқка тартибдаги суҳбатда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

махсус комиссия — ҳар йили ҳудудий адлия органи бошлиғининг буйруғи билан ташкил этиладиган юридик техникумлар битирувчиларига йўлланмалар бериш масаласини кўриб чиқувчи комиссия;

онлайн платформа — юридик техникум битирувчиларининг ҳудудий адлия органларига йўлланма беришни сўраб мурожаат қилишлари учун мўлжалланган электрон дастур;

талабгор — танловда иштирок этиш истагини билдирган юридик техникум битирувчиси;

ҳудудий адлия органлари — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари.

2. Танлов битирувчининг юксак ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, шунингдек, маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

3. Махсус комиссия ҳар йили, қоида тариқасида, тегишли ўқув йилининг 10 июнидан кечикмай ҳудудий адлия органи бошлиғининг буйруғи билан 7 кишидан иборат таркибда тузилади.

Махсус комиссия таркибига адлия органлари ва муассасалари ходим-

лари киритилади, шунингдек комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Махсус комиссия ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Худудий адлия органлари бошлиқлари лавозими бўйича махсус комиссиянинг раиси ҳисобланади.

Махсус комиссиянинг котиби вазифаси юридик техникумнинг масъул ходимига юкланади. Котиб махсус комиссия фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади.

2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

4. Юридик техникумлар битирувчилари махсус комиссияга йўлланма беришни сўраб онлайн платформа орқали ҳар йили 20 июндан кечикмай ариза билан мурожаат қилади.

Бунда, аризага Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчиларини «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари бакалавриятига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандида кўрсатилган йўлланма олиш учун минимал талабларни тасдиқловчи ҳужжатлар (бундан буён матнда тасдиқловчи ҳужжатлар деб юритилади) электрон шаклда (pdf форматда) илова қилинади.

5. Махсус комиссия 20 июндан 30 июнга қадар юридик техникумлар битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқади.

Аризалар махсус комиссия мажлисларида кўриб чиқилади. Махсус комиссия мажлиси, агар унда комиссия аъзоларининг барчаси иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

6. Махсус комиссиянинг мажлислар ўтказиш жадвали худудий адлия органлари бошлиқлари буйруғи билан тасдиқланади. Мажлисга таклиф этилган юридик техникумлар битирувчилари рўйхати буйруққа илова қилинади.

7. Мажлислар ўтказиш жадвали худудий адлия органлари ва юридик техникумларнинг расмий веб-сайтида, мажлис бошланишидан камида бир ҳафта олдин эълон қилинади.

Бунда, эълонда мажлис ўтказиш жойи ва вақти, танлов юзасидан боғланиш учун масъул ходимнинг телефон рақами ҳамда юридик техникумнинг электрон почта манзили, шунингдек талабгорлар рўйхати кўрсатилиши лозим.

8. Махсус комиссия фақат комиссия ташкил этилган тегишли ўқув йили битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқади.

9. Танловда иштирок этган талабгорлар жами 150 балл билан қуйидагича баҳоланади:

тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлари бўйича — 100 баллгача;
ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, шунингдек, маънавий-ахлоқий

фазилатларини аниқлашга қаратилган саволларга берган жавоблари бўйича — 50 баллгача.

10. Танловда талабгорларга бериладиган саволлар юридик техникумнинг ўқув режа ва фан дастурлари асосида ҳудудий адлия органларининг малакали мутахассисларидан иборат эксперт гуруҳи томонидан тузилади ҳамда ушбу саволларнинг якуний рўйхати ҳудудий адлия органи бошлиғи томонидан тасдиқланади.

11. Тасдиқланган саволлар рўйхати махсус комиссия мажлислари бошланишидан камида ўн беш кун олдин ҳудудий адлия органлари ва юридик техникумларнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Тасдиқланган саволлар махсус комиссия мажлиси бошланишидан бир кун олдин комиссия котиби томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус электрон дастурга киритилади.

12. Махсус комиссия мажлиси юридик техникум биноларида, танлов жараёни реал вақт режимида (онлайн) кузатиб борилишини таъминлайдиган махсус хонада (бундан буён матнда махсус хона деб юритилади) ўтказилади.

Танлов жараёни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали онлайн режимида трансляция қилинади.

Махсус хонани тайёрлаш, танлов жараёнини видеокузатувлар орқали онлайн тарзда кузатиб бориш учун зарур бўлган техник воситалар билан таъминлаш ва бошқа шарт-шароитларни яратиш учун жавобгарлик юридик техникум директори зиммасига юкланади.

13. Талабгорлар танлов ўтказиладиган хонага биометрик паспортини (идентификация ID-картасини) кўрсатган ҳолда навбат билан киритилади.

Танловга белгиланган вақтда етиб келмаган талабгорлар танловга қўйилмайди ҳамда бундай талабгорлар учун қўшимча танлов ўтказилмайди.

14. Махсус комиссия котиби мажлис бошланишидан олдин махсус комиссия раиси ва аъзоларига танловда иштирок этаётган, шунингдек танловга белгиланган вақтда келмаган талабгорлар ҳақида ахборот беради.

15. Талабгорларнинг махсус хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, калькулятор ҳамда бошқа телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириши ва улардан фойдаланиши, бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиши ёки уларга ёрдам бериши, танлов ўтказилиши жараёнида махсус хонадан ташқарига чиқиши қатъиян тақиқланади.

Талабгорнинг мазкур бандда назарда тутилган талабларга риоя қилмаслиги уни танловдан четлаштириш учун асос бўлади.

Бунда, махсус комиссия котиби томонидан ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда талабгорни танловдан четлаштириш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади ҳамда талабгор махсус хонадан чиқариб юборилади.

Танловдан четлаштирилган талабгорларга балл қўйилмайди.

16. Танлов жараёнида саволлар талабгор томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус электрон дастур орқали тасодифий равишда танланади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, махсус электрон дастурда автоматик равишда 2 та саволдан иборат саволлар билети шакллантирилади.

Мазкур саволлар билети махсус комиссия котиби томонидан принтерда чоп этилиб, талабгорга тақдим қилинади.

17. Талабгорга саволларга тайёргарлик кўриши учун 15 дақиқа вақт берилади. Агарда талабгор ушбу вақтдан фойдаланишни лозим деб топмаса, унга тайёргарлик кўрмасдан жавоб беришга рухсат этилади.

Махсус комиссия аъзолари томонидан талабгорнинг жавобларини аниқлаштириш мақсадида қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Талабгор саволларга жавоб бериб бўлганидан сўнг, унга хонадан чиқишга рухсат берилади.

18. Талабгорлар саволларга берган жавобларига қараб, қуйидаги мезонлар асосида ҳар бир савол бўйича «25» баллик тизимда, максимал 50 балл билан баҳоланади:

талабгор тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — 20 — 25 балл;

талабгор мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 14 — 19 балл;

талабгор моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 8 — 13 балл;

талабгор билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб топилганда — 1 — 7 балл қўйилади;

талабгор билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — 0 балл қўйилади.

19. Талабгорларнинг тасдиқловчи ҳужжатлари махсус комиссия томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ Юридик техникумлар битирувчиларининг йўлланма олиш учун минимал талабларни тасдиқловчи ҳужжатларини баҳолаш мезонлари асосида 100 баллик тизимда баҳоланади.

20. Талабгорнинг саволларга берган жавобларини баҳолаш натижалари юзасидан махсус комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан бошқа аъзолардан мустақил ҳолда мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда танлов натижаларини баҳолаш варақаси тўлдирилади ҳамда махсус комиссия котибига тақдим этилади.

21. Махсус комиссия котиби талабгорнинг саволларга берган жавобларини ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларини баҳолаш натижаларини умумлаштирган ҳолда унга қўйилган балларни ҳисоблаб чиқади.

22. Танлов жараёни ва натижалари махсус комиссиянинг мажлис баённомасида қайд этилади, шунингдек мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади ва раис томонидан тасдиқланади.

Махсус комиссиянинг мажлис баённомасида талабгорлар рўйхати камайиб бориш тартибиде, энг юқори балл олган талабгордан бошлаб жойлаштирилади.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Танлов натижалари талабгорларга танлов ўтказилган куни эълон қилинади ҳамда махсус комиссия котиби томонидан онлайн платформага киритилади.

23. Талабгорларни олий таълим ташкилотлари кесимида тақсимлаш автоматик равишда онлайн платформа орқали амалга оширилади.

Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчиларини «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари бакалавриятига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасида кўрсатилган тақсимот доирасида, танлов натижаси бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга талабгорларга ўзлари биринчи танлаган олий таълим ташкилотига, қолган талабгорларга уларнинг тўплаган баллари кетма-кетлигида ўзлари танлаган навбатдаги олий таълим ташкилотларидан бирига йўлланмалар берилади.

24. Танловни қайта ўтказишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Танлов натижалари бўйича берилган апелляцияларни кўриб чиқиш

25. Танловда қўйилган баллдан норози бўлган талабгорлар танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида ҳудудий адлия органи бошлиғи номига апелляция беришлари мумкин.

Апелляцияни кўриб чиқиш учун ҳудудий адлия органи бошлиғининг буйруғи билан ҳудудий адлия органларининг махсус комиссия фаолиятида иштирок этмаган ходимлари таркибидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссиясининг таркиби ҳудудий адлия органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

26. Апелляция комиссияси тақдим этилган апелляцияни у келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида кўриб чиқади. Апелляция кўриб чиқилмайдиган кун ҳақида талабгорга хабар берилади.

27. Апелляция комиссияси, агар унинг ишида аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва унда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланмайдиган баённома билан расмийлаштирилади.

28. Апелляция Апелляция комиссияси томонидан талабгор иштирокида, танлов жараёни ёзиб олинган видеотасвир асосида кўриб чиқилади.

Талабгорнинг апелляциясини кўриб чиқиш натижаси бўйича Апелляция комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

эътироз асоссиз бўлса, апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш ва қўйилган балларни ўзгаришсиз қолдириш;

эътироз асосли бўлса, қўйилган балларга ўзгартириш киритиш.

Талабгорнинг апелляциясини кўришда унинг илгари олган баллини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

4-боб. Яқуний қоида

29. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

30. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

А. ТОШКУЛОВ

2022 йил 3 май

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2022 йил 17 майдаги 2-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1992-3.

2. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 26 майдаги 4-мх-сон «Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва спорт ҳаками касбларига қўйиладиган малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2592-3.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 3 июндаги 14-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари битирувчиларига «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи давлат олий таълим ташкилотлари бакалавриатига ўқишга кириш учун йўлланмалар бериш юзасидан танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3370.